



O'zbekistonda sog'liqni saqlash Здравоохранение Узбекистана

Газета 1995 йил октябрь ойидан чиқа бошлаган • @uzssgzt, uzss@yandex.ru • 2021 йил 19 февраль • №7 (1339)

Республика Махсус комиссиясининг ахбороти

Республика махсус комиссиясининг навбатдаги йиғилишида аҳолини коронавирус инфекциясига қарши оммавий эмлаш тадбирларини ташкил этиш ва вакцинани маҳаллийлаштириш масалалари муҳокама қилинди.


Маълум қилинганидек, Россиянинг Гамалея илмий-тадқиқот маркази томонидан ишлаб чиқилган “Спутник V” вакцинаси учинчи босқич клиник синовлари натижалари асосида Ўзбекистонда сертификатлаштирилган ҳолда оммавий қўллаш жараёнига рухсат этилган. Бугунги кунда ушбу вакцинадан 1 миллион доза харид қилиш юзасидан амалий чоралар кўрилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Хитой Халқ Республикасига ташрифлари чоғида Инновацион ривожланиш вазирлиги (Ўзбекистон) Фан ва техника вазирлиги (Хитой) ўртасида илмий-техник ҳамкорлик бўйича қуйи кўмита фаолияти йўлга қўйилган

эди. Мазкур кўмита томонидан коронавирусга қарши вакцина ишлаб чиқишда ҳамкорлик ўрнатиш бўйича ҳам амалий чоралар кўрилмоқда. Жумладан, Хитойнинг “Zhifei Longcom Biopharmaceutical Co.,Ltd” компанияси билан ҳамкорликда яратилган “ZF 2001” вакцинанинг учинчи босқич клиник синовлари Хитойдан ташқари биринчилардан бўлиб Ўзбекистонда муваффақиятли ўтказилмоқда. Ҳамкорлик доирасида Дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббий техника экспертизаси ва стандартлаштириш давлат маркази томонидан белгиланган тартибда мазкур вакцинанинг барча хавфсизлик кўрсаткичлари синовдан ўтказилди, унинг ижобий натижалари асосида ҳамда Этика кўмитасининг

вакцинани клиник тадқиқотлари ўтказишнинг этика жиҳатидан асосланганлиги тўғрисидаги хулосалари асосида аҳоли орасида учинчи босқич клиник синовларга йўналтирилди.

Бугунги кунгача клиник синов талабига мувофиқ “вакцина/плацебо” схемаси асосида 6 830 нафар кўнгилли эмланган, уларнинг бирортасида ўта ножўя таъсирлар кузатилмаган. “Zhifei Longcom Biopharmaceutical Co.,Ltd” компанияси коронавирусга қарши вакцинани яратишда Ўзбекистоннинг ҳиссаси ва саъй-ҳаракатларини инobatта олиб, мамлакатимизни “ZF 2001” вакцинани бирга яратган ҳаммуаллиф мамлакат сифатида белгиллади. Ушбу янги вакцинани “ZF-UZ-VAC 2001” номи билан бирга ишлаб чиқариш ва фойдаланилишга келишилгани билдирилди. Шунингдек, “Zhifei Longcom Biopharmaceutical Co.,Ltd” компанияси томонидан мазкур вакцинани Ўзбекистонда маҳаллийлаштириш мақсадида мамлакатимизда фаоли-



ят юритаётган бир қатор фармацевтика корхоналари фаолияти ўрганилди, лаборатория ҳамда техник ва ишлаб чиқариш қувватларини инobatта олиб, “Jurabek Laboratories” МЧЖ ҚҚ танланди. Йиғилишда ушбу вакцинанинг мамлакатда учинчи босқич синовлари муваффақиятли ўтказилаётгани ва Ўзбекистонни бу вакцина яратилиши ва ишлаб чиқаришда ҳаммуаллиф давлат этиб белгиланганлигини инobatта олиб, “ZF-UZ-VAC 2001” вакцинасини фавқулотда вазиятларда фойдала-

нишга рухсат бериш масаласи муҳокама қилинди. Шу мақсадда коронавирус инфекциясига қарши оммавий эмлаш тадбирларини ташкиллаштириш борасида кўрилаётган чоралар, “ZF-UZ-VAC 2001” вакцинасидан 1 миллион доза харид қилиш ва мамлакатимиз аҳолисини ихтиёрий равишда оммавий эмлаш тадбирларига йўналтириш масалаласини Олий Мажлис Қонунчилик палатасига муҳокамага киритиш бўйича республика махсус комиссиясининг қарори қабул қилинди.



Наманган вилояти

✓ Бор меҳримиз шу Ватан, шу халқ учун

ИНСОН САЛОМАТЛИГИ ВА МАНФААТЛАРИ ҚАДРЛАНГАН ЮРТ!

Мустақиллик неъматини улкан ниятлар ва юксак орзуларни рўёбга чиқарди. Ватан равнақи йўлида хизмат қилиш, фарзандлар камоли учун ғамхўрлик кўрсатиш, кексаларни эъзозлашдек эзгу амалларни бизга ҳамроҳ этди, ҳеч кимдан кам бўлмаган жамиятни барпо қилиш саодатига етказди. Йил сайин чирой очиб, ажиб тароватга бурканаётган юртимизнинг гўзаллиги, фаровонлиги қалбларга қувонч бахш этмоқда. Шундай экан, жаннатмакон юртда яшаётганлигимиздан ҳар биримиз фахрланамиз.

Айниқса, Давлатимиз раҳбарининг одилона сиёсати ҳар бир соҳа ривожини юқори поғоналарга кўтармоқда. Жумладан, соғлиқни сақлаш тизимидаги туб ўзгаришлар ҳам ўз ифодасини топиб келмоқда. Бунинг яна бир бор исботи, соҳадаги хайрли ишларнинг давоми сифатида жорий йилнинг 10 февраль кунини Соғлиқни сақлаш вазирлиги ташаббуси билан Наманган вилоятига “Бор меҳримиз шу Ватан, шу халқ учун” шиори остида саломатлик акциясига старт берилди.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Абдуҳаким Хаджибаев бошчилигида пойтахтимизнинг таниқли шифокорлари Наманган вилоятига ташриф буюриб, акция доирасида кўпгина самарали ишларни амалга оширмоқдалар.



Газетанинг ушбу сони Наманган вилоятидаги саломатлик акциясига бағишланади

Наманган вилояти

✑ Бор меҳримиз шу Ватан, шу халқ учун

ТАНИҚЛИ ШИФОКОРЛАР ХАЛҚИМИЗ ХОНАДОНИДА

Айни кунларда вилоятимизда Соғлиқни сақлаш вазирлиги ташаббуси билан “Бор меҳримиз шу Ватан, шу халқ учун!” шиори остида саломатлик акцияси ўтказилмоқда. Тадбирнинг дастлабки кунидеъ ғоят самарали кечди. Мамлакатимизнинг юз эллик нафарга яқин таниқли шифокорлари маҳаллий ҳамкасблари билан кўплаб оилалар ҳолидан хабар олиб, турли сурункали хасталиклардан азият чекаётган беморларни соғайтириш чораларини кўрдилар.



Пойтахтлик шифокорларнинг Тўрақўрғон туманидаги фаолияти туфайли оғир касалликлар сабаб уйда ётиб қолган инсонларда дарддан ҳалос бўлиш умиди уйғонди. “Шоҳидон” оилавий шифокорлик пункти мудираси Мавлуда Муродова меҳмонларни Гулистон маҳалласида истиқомат қилаётган беморлар ҳузурига бошлади.

Истиқлол кўчасидаги 21-уйда 16 ёшли Исломжон Тўхтабоев яшайди. Спортнинг кураш турини танлаган полвон

мусобақа пайтида олган жароҳати туфайли саломатлигини йўқотган эди. Хонадонга бир гуруҳ саломатлик посбонларининг кириб келиши нафақат йигитни, балки унинг оила аъзоларини ҳам қувонтирди.

Республика ихтисослаштирилган дерматовенерология ва косметология илмий-амалий тиббиёт маркази бош директори ўринбосари Илҳом Раҳимов бемор билан мулоқотда бўлди. Касалликни даволаш бўйича кўрилган чоралар билан танишди. Исломжоннинг кўриш қобилиятини

тиклаш масаласида ёрдам кўрсатилишини таъкидлади.

– *Давлатимизга мингданминг раҳмат. Ночор инсонларга шу қадар ғамхўрлик кўрсатиляпти. Тошкентдан келган докторлар кўнглимизни кўтаришди. Фарзандимизни соғломлаштиришда мадад берилганда мадад мамнунмиз, – дейди Исломжоннинг онаси Нилуфар Розикова.*

Шу кўчада яшовчи Қаҳҳоровлар хонадонига улғаяётган 3 ёшли Гулёранинг саломатлигида ҳам муаммо бор. У туғма касалликка чалинган. Кўришда қийналади. Туман тиббиёт бирлашмаси бошлиғи вазифасини бажарувчи, педиатр Дилмурод Исмоилов қизалоқдаги дардни таснифлаб берди. Мутахассислар Гулёранинг ҳам саломатлигини тиклаш юзасидан амалий тадбирлар кўрилиши ҳақида айтишди. Тўрақўрғон шаҳридаги Бирлашган маҳалласида яшовчи 11 ёшли туғма ногиронлиги бўлган Саида Абдумажидованинг ҳузурига келган тиббиётчилар унинг соғлиғи ҳолатини ўрағнибгина қолишмади. Ҳаракатланишда қийналаётган қизчага аравача тўхта қилишди.

– *Фарзандимга ҳадея этилган совғадан жуда ҳам қувондик, – дейди Умида Акбарова кўзларида севинч ёшлари билан.* – Энди у ҳам кўчаларни сайр қилиш, олам гўзалликларидан баҳраманд бўлиш имкониятига эга. Бунинг учун акция ташкилотчиларига ўз миннатдорчилигини билдираман.

Республикаимиз таниқли шифокорларнинг Наманган туманидаги фаолияти ҳам ўнлаб дардман одамларга қувонч ато этди, десак муболаға эмас. Бу ҳудудда Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт маркази ва Республика ихтисослаштирилган кўз микрохирургияси илмий-амалий тиббиёт маркази вакиллари аниқ манзилларда тиббий хизмат кўрсатишди.

Қатта Тошбулоқ маҳалласи Истиқлол кўчасидаги 52-уйга пойтахт ва вилоятнинг етук шифокорлари келишди. Чунки, 16 ёшли Самандар Турсунов туғма юрак нуқсонидан азият чеқмоқда эди. Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт маркази директори, тиббиёт фанлари доктори Ҳуршид Фозилов марказнинг Наманган филиали директори, тиббиёт фанлари номзоди Солижон Мўминов билан бемор ўсмири тиббий кўриқдан ўтказишиб, унинг саломатлигини яхшилаш юзасидан зарур тавсиялар беришди. Шу тариқа Турсуновларнинг кўшниси Дилбархон ая Нурматова ҳам набираси бир ёшли Иродахоннинг юрагидаги нуқсонни бартараф этиш бўйича тажрибали докторлардан зарур маслаҳат-

лар олди. Орзу кўчасида яшовчи, 74 ёшли отахон Турсунали Турсунов бир кўзини операция қилдириб, даволатган эди. Энди бўлса чап кўзида ҳам хираланиш кузатилмоқда. Республика ихтисослаштирилган кўз микрохирургияси илмий-амалий тиббиёт маркази директори, тиббиёт фанлари доктори Азамат Юсупов қариянинг кўзларини мураккаб қурилма воситасида кўриқдан ўтказди. Тажрибали шифокор касалликка аниқ ташхис қўйди ва даволаш чораларини белгилади.

– *Хаёлимга ҳам келмаган иш бўлди. Элга танилган шифокорларнинг маҳалламизга, ҳатто уйимизга келиб, соғлиғимиздан хабар олишлари жуда хайрлидир. Одамлар соғлиғи ҳақида қайғураётган, чексиз ғамхўрликлар кўрсатаётган Президентимизга ўз миннатдорчилигимизни билдираман, – дейди нуроний.*

Бундай дил изҳорлари Паст Қиёт маҳалласи, Жар кўчасидаги 55-уйда яшовчи юрак туғма нуқсонли Аъзамжон Абдусаматов ва бошқа инсонлар томонидан ҳам айтилди.

Зеро, халқ саломатлигини мустаҳкамлашдек эзгу мақсад билан маҳаллабай тарзда, хонадонма-хонадон юрган шифокорларнинг бугунги саъй-ҳаракатлари чиндан ҳам таҳсинга лойиқ.

Бу, албатта, халқимиз саломатлигига бўлган юксак эътиборнинг ёрқин ифодасидир.

“ТЕМИР ДАФТАР”ГА КИРИТИЛГАН БЕМОРЛАР ШИФОКОРЛАРНИНГ ТИББИЙ НАЗОРАТИДА

Айни кунларда Соғлиқни сақлаш вазирлиги ташаббуси билан Наманган вилоятида “Бор меҳримиз шу Ватан, шу халқ учун!” шиори остида саломатлик акцияси ўтказилмоқда.

Тадбир дастлабки кунларидан бошлаб ғоят самарали кечди. Пойтахтнинг юз эллик нафардан зиёд юқори малакали шифокорлари маҳаллий ҳамкасблари билан кўплаб оилалар ҳолидан хабар олиб, турли сурункали хасталиклардан азият чекаётган беморларни соғломлаштириш чораларини кўрди.

Малакали шифокорлар наманганликлар хонадонига

Пойтахтлик шифокорларнинг Тўрақўрғон туманидаги фаолияти туфайли оғир касалликлар сабаб уйда ётиб қолган инсонларда дарддан ҳалос бўлиш умиди уйғонди. “Шоҳидон” оилавий шифокорлик пункти мудираси Мавлуда Муродова меҳмонларни Гулистон маҳалласида истиқомат қилаётган беморлар ҳузурига бошлади.

Истиқлол кўчасидаги 21-уйда 16 ёшли Исломжон Тўхтабоев яшайди. Спортнинг кураш турини танлаган полвон мусобақа пайтида олган жароҳати туфайли саломатлигини йўқотган эди. Хонадонга бир гуруҳ саломатлик посбонларининг кириб ке-

лиши нафақат йигитни, балки унинг оила аъзоларини ҳам қувонтирди.

Ишчи гуруҳ Исломжон Тўхтабоев хонадонига

Республика ихтисослаштирилган дерматовенерология ва косметология илмий-амалий тиббиёт маркази бош директори ўринбосари Илҳом Раҳимов бемор билан мулоқотда бўлди. Касалликни даволаш бўйича кўрилган чоралар билан танишди. Исломжоннинг кўриш қобилиятини тиклаш масаласида ёрдам кўрсатилишини таъкидлади.

– *Ночор инсонларга шу қадар ғамхўрлик кўрсатиляганига минг-минг раҳмат. Тошкентдан келган шифокорлар кўнглимизни кўтаришди. Фарзандимизни соғломлаштиришда мадад берилганда мадад мамнунмиз, – дейди Исломжоннинг онаси Нилуфар Розикова.*

Шу кўчада яшовчи Қаҳҳоровлар хонадонига улғаяётган 3 ёшли Гулёранинг саломатлигида ҳам муаммо бор. У туғма касалликка чалинган. Кўриш қобилиятида нуқсонлар мавжуд. Туман тиббиёт бирлашмаси бошлиғи вазифасини бажарувчи, педиатр

Дилмурод Исмоилов қизалоқдаги дардни таснифлаб берди. Мутахассислар Гулёранинг ҳам саломатлигини тиклаш юзасидан амалий тадбирлар кўрилиши ҳақида айтишди.

3 ёшли Гулёранинг саломатлиги назорат остида

Тўрақўрғон шаҳридаги “Бирлашган” маҳалласида яшовчи 11 ёшли туғма ногиронлиги бўлган Саида Абдумажидованинг ёнига келган тиббиёт ходимлари унинг тиббий ҳолатини ўрганиб, ҳаракатланишда қийналаётган қизчага ногиронлик аравачаси тўхта қилишди.

– *Фарзандимга ҳадея этилган кутилмаган совғадан жуда ҳам қувондик, – дейди Умида Акбарова кўзларида севинч ёшлари билан.* – Энди у ҳам кўчаларни сайр қилиш, олам гўзалликларидан баҳраманд бўлиш имкониятига эга. Бунинг учун акция ташкилотчиларига ўз миннатдорчилигимизни билдираман.

Саида Абдумажидовага аравача топширилди.

Пойтахтлик шифокорларнинг Наманган туманидаги фаолияти ҳам ўнлаб дардман одамларга қувонч ато этди, десак муболаға бўлмайди. Бу ҳудудда Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт маркази ва Республика ихтисослаштирилган кўз микрохирургияси илмий-амалий тиббиёт мар-



зи вакиллари аниқ манзилларда тиббий хизмат кўрсатишди.

“Қатта Тошбулоқ” маҳалласи Истиқлол кўчасидаги 52-уйга пойтахт ва вилоятнинг етук шифокорлари келишди. Бу ерда яшовчи 16 ёшли Самандар Турсунов туғма юрак нуқсонидан азият чеқмоқда. РИКИАТМ директори Ҳуршид Фозилов марказнинг Наманган филиали директори, тиббиёт фанлари номзоди Солижон Мўминов билан беморни тиббий кўриқдан ўтказиб, унинг саломатлигини яхшилаш юзасидан зарур тавсиялар берди.

Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт маркази директори Ҳуршид Фозилов 16 ёшли Самандар Турсунов билан мулоқотда.

Шу тариқа Турсуновларнинг

кўшниси Дилбархон ая Нурматова ҳам набираси – бир ёшли Иродахоннинг юрагидаги нуқсонни бартараф этиш бўйича тажрибали докторлардан зарур маслаҳатлар олди.

Дилбархон ая набирасини кўриқдан ўтказган шифокорларни дуо қилмоқда.

Орзу кўчасида яшовчи, 74 ёшли отахон Турсунали Турсунов бир кўзини операция қилдирган эди. Энди бўлса, чап кўзида ҳам хираланиш кузатилмоқда. Республика ихтисослаштирилган кўз микрохирургияси илмий-амалий тиббиёт маркази директори, тиббиёт фанлари доктори Азамат Юсупов отахоннинг кўзларини мураккаб қурилма воситасида кўриқдан ўтказилиб, амалий ёрдам кўрсатилди.



МУРАККАБ ОПЕРАЦИЯ ЖАРАЁНЛАРИ МУВАФФАҚИЯТЛИ ЎТКАЗИЛДИ

Жараён

Аввал хабар берганимиздек, вилоятимизда "Бор меҳримиз шу Ватан, шу халқ учун" шиори остидаги саломатлик акцияси давом этмоқда. Мамлакатимизнинг энг таниқли шифокорлари маҳаллабай кесимида "Темир дафтар", "Аёллар дафтари" ва "Ёшлар дафтари"га киритилган бемор ҳамюртларимиз хонадонларига кириб, уларга малакали тиббий хизмат кўрсатишмоқда. Ижтимоий ҳимояга муҳтож хастаҳоқларни соғломлаштириш чоралари кўрилмоқда.



Бинобарин, жарроҳлик амалиёти ўтказилиши зарур деб, топилган инсонлар эса зудлик билан вилоят даволаш-профилактика муассасаларига жўнатилмоқда. Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази Наманган филиали, вилоят эндокринология, кардиология марказлари, вилоят кўп тармоқли тиббиёт маркази ва вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт марказларида ўтказилган имтиёзли юқори технологик жарроҳлик амалиётларида ўнлаб инсонлар узоқ даврдан бери қийнаб келаётган дардлардан фориғ бўлдилар.

Айни пайтда Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт марказининг Наманган филиалида жарроҳлик амалиётлари узлуксиз давом эттирилмоқда. Кеча ушбу марказ вакиллари пойтахтлик ҳамкасблари билан Хонабоддаги фаолиятлари доирасида юрак ишимик хасталигига дучор бўлган Махфуза Маматованинг уйида бўлишиб, унинг соғлиғини тиббий кўриқдан ўтказишга эди. Ривожланиб борувчи стенаркордея ташҳиси қўйилиб, зудлик билан жарроҳлик амалиёти ўт-

казилишига қарор қилинди. Бугун эрталаб жарроҳлик столига ётган илк бемор Махфуза бўлди. Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт марказининг Наманган филиали рентгенэндоваскуляр жарроҳлик бўлимида интервенцион-кардиологлар Акмалжон Жалилов, Аброр Абдуллаев ва Бахтиёр Камолиддиновлар шошилинч коронаграфия, юрак чап тож томирларини стентлаш амалиётларини замонавий қурилмалар воситасида муваффақиятли бажаришди.

– **Давлатимизга минг раҳмат. Оғир дарддан шу қадар тез қутуламан деб, ўйламаган эдим. Қўли енгил шифокорлар оғир касалликни даволашди. Соғлиғим тикланганидан жуда ҳам бахтиёрман, – дейди бемор.**

Тез тиббий ёрдам машиналарида хаста кишилар шифохонага етказиб келинаётганлиги, тиббиёт ходимларининг уларга кўрсатётган алоҳида меҳр ва эътибори, дард чекаётганларнинг юрагига ўрнатилаётган воситалар бепуллиги инсонпарварликнинг олий намунаси эмасми? Бўлим мудири А. Жалиловнинг айтишича, кун давомида олти нафар беморда шундай амалиётни ўтказиш кўзда тутилган.

Эндокринология соҳаси мутахассисларининг фаолияти ҳам эътиборга молик. Республика ихтисослаштирилган эндокринология илмий-амалий тиббиёт маркази шифокорлари Наманган шаҳар Саноат кўчаси-



даги 124-уйга киришганида уй бекаси Муҳайё Абдужалиловадаги касаллик хатарли эканлигини аниқлашди ва уни ҳам зудлик билан операция қилиниши зарурлигини айтишди.

Бугун эса тиббиёт маркази жарроҳлик бўлими мудири, тиббиёт фанлари номзоди Нусратжон Алимжонов наманганлик ҳамкасби Ғайратжон Икромов билан ҳамкорликда аёлнинг қалқонсимон безидаги икки томонлама ўсмаларни олиб

ташлашди. Энди Муҳайёга кўп тугунли буқоқ азоб бермайди.

– **Бу жуда ёмон оқибатларга олиб келувчи ўсма эди. Энди дори воситалари вақтида ичиб юрилса бемор ҳаётига раҳна солувчи дард қолмади, – дейди доктор Нусратжон Алимжонов.** – Келгуси ҳафтада пойтахтдан яна бир гуруҳ мутахассислар келишади. Улар яна кўплаб инсонларни соғломлаштиришга ёрдам беришади.

Дарҳақиқат, ижтимоий-тиббий акция шарофати билан кўплаб эҳтиёжманд кишилар имтиёзли равишдаги тиббий хизматдан баҳраманд бўлиб, соғлиқларини тиклаб олишмоқда. Бу инсон манфаатларини таъминлаш борасидаги эзгу саъй-ҳаракатларнинг ёрқин ифодасидир.

ҚАМРОВИ КЕНГ ВА МАҚСАДИ БЕҲАД УЛУҒВОРДИР

Наманган вилоятида ўтказилаётган "Бор меҳримиз шу Ватан, шу халқ учун!" шиори остидаги саломатлик акцияси доирасида пойтахтлик малакали шифокорлар Мингбулоқ туманида ҳам бўлишди.



Мингбулоқ туман тиббиёт бирлашмасида барвақт йиғилишган маҳаллий шифокору ҳамшираларга бирлашманинг бошлиғи вазифасини вақтинча бажарувчиси Собиржон Шоматов ўн кунлик муҳим тадбир ҳақида қисқа ва лўнда тушунча берди.

– **Республика ихтисослашган илмий-амалий тиббиёт марказлари мутахассисларининг вилоятимизга ташрифидан ғоят самарали фойда-**

ланиб қолишимиз керак, – деди у алоҳида таъкидлаб. – Аввало "темир дафтар"дагиларнинг хонадонларига бошлаб кирасизлар, кейин уйда ётиб қолган ногиронларни ҳам кўрсатасизлар.

Меҳмонлар туманимизда 10 кун давомида ишлашади. Эртдан кечга қадар ҳар бир гуруҳ камида ўттизта хонадон остонасини ҳатласин. Агар бешта гуруҳ фаолият юритса, ўн кун давомида қарийб икки минг хонадонда яшайдиган аҳолининг

саломатлигини мустаҳкамлашга кўмаклашади. Вақт зик, бирор дақиқа зое кетмасин. Оилавий шифокорлару патронаж ҳамширалар меҳмонларга ҳамроҳ, йўлбошловчи бўлиб юрасизлар. Юқори натижадорликка эришишга астойдил ҳаракат қилиниши зарур. Ниҳоят, меҳмонлар кўп тармоқли марказий поликлиника олдида кутиб олиндилар. Аввалдан шакллантирилган муваққат тиббий гуруҳларга Республика ихтисослаштирилган аллергиялогия илмий-амалий тиббиёт маркази ҳамда Республика ихтисослаштирилган акушерлик ва гинекология илмий-амалий тиббиёт маркази мутахассислари етакчи – ҳамкор қилиб қўйилди. Уларнинг дастлабки йўналишлари – Ингичка, Меҳнатобод, Қизилқум, Жомашуй ва Уюрчи-Дамкўл маҳалларига белгиланди.

Мана, Меҳнатободга етиб келган махсус тиббий гуруҳ ўз фаолиятини Собира Жуманованинг аҳволини кўздан кечиришдан бошлади.

– **Грижадан озор чекаман, гоҳ-гоҳ орқа миям қисиб оғрийдим, – дея ҳолатини баён этди дардманд аёл.** – Асли касбим ўқитувчилик эди. 2-гуруҳ ногиронлиги белгиланиб, ишга ярамай қолдим...

Республика ихтисослаштирилган аллергиялогия илмий-амалий тиббиёт маркази директори ўринбосари, олий тоифали аллергиялог Хушнудбек Аҳмедов навбатдаги беморни текширувдан ўтказиб, кўчага чиқса, ўрта ёшли йигит келиб саломлашди.

– Тошкентлик аллергиялог врач маҳалламизда бемор кўриб юрганликларини эшитиб, ғоят қувондим, – **деди у хурсандлигини яширмай.** – Ўн тўрт ёшли жиянимни астма қийнайди, сизларга учрасинми?

– **Ўзимиз уйларига кирамиз, – деди пойтахтлик мутахассис, сўнгра оилавий шифокор Зулфия Маҳкамовага қаради.** – Болани танийсизми?

– Ҳа, Тинчлик кўчасидаги 4-уйда бувиси билан яшайди.

– Унда ўша ёққа ўтайлик.

Остона ҳатлаганимизда Одина Алиеванинг боши осмонга етди. Невараси Жавоҳир Одилжонов обдон текширилди. Ҳолати аниқлангач, даво чоралари белгиланди. Ҳатто аэрозолни нафас йўлларида пуркаш йўл-йўриқлари амалда кўрсатилди.

– **Жавоҳир, сен энди бошқа доридан фойдаланасан. Нафасни очадиям, даволайдиям, – деб таъкидлади Хушнудбек Аҳмедов.**

Қўшни хонадондаги Мас-тура Иминжоннова билан бўлган мулоқот кўп нарсани ойдинлаштирди. "Сайдана"даги ўтказилган томография текшируви асосида тавсияларга қўшимчалар киритилди. Туғма бронхоэктазининг муолажалари тушунтирилди. Унинг дардини енгиллаштириш учун бепул даволаш ордери бериш мақсадга мувофиқ деб топилди.

Шу кунги Меҳнатободнинг Тинчлик ва Охунбобоев кўчаларидаги қирққа яқин хонадонларда яшовчи хастаҳоқлар тиббий кўриқдан ўтказилди.

– **Мингбулоқ туманида 41 та маҳалла бўлиб, уларнинг бирортасига ҳам пойтахтлик шифокорларнинг қадамлари етмай қолмайди. "Бор меҳримиз шу Ватан, шу халқ учун!" шиори остида ўтказилаётган бу галги саломатлик акциясининг қамрови кенг ва мақсади беҳад улўғвордир.**





Наманган вилояти

✗ Бор меҳримиз шу Ватан, шу ҳалқ учун

"ПРЕЗИДЕНТИМИЗГА МИННАТДОРЛИГИМИЗНИ ЕТКАЗИБ ҚЎЙИНГЛАР"

"Бор меҳримиз шу Ватан, шу ҳалқ учун" шиори остидаги саломатлик акцияси доирасида Республика шoshiлинч тиббий ёрдам илмий маркази Наманган филиали травматология бўлимида Ё. Абдуллахановада "Унг сон суяги бўйнидан синишидан кейинги сохта бўғими" ноёб амалиёти ўтказилди.

Наманган шаҳридаги Машраб маҳалласи Ёғду кўчасида истиқомат қилувчи Дилбар опанинг хонадонига кутилмаган меҳмонларнинг ташрифи унинг ҳаётини бутунлай ўзгартириб юборди. Бугун унинг ҳаёт саҳифаларида янги зарварлар очди, десак ҳам асло муболаға эмас. Чунки у 19 йилдирки мустақил юриш имкониятидан маҳрум. Чаноқ сон бўғими соҳасидаги суякнинг емирилиши оқибатида бир йилдан бери қўлтиқтаёққа михланиб қолган эди:

– Тошкент шаҳридан таниқли шифокорларнинг уйимга кириб келишларини ҳеч қачон кутмаган эдим. Лекин бу тушим эмас, ўнгим эди, – деди у биз билан суҳбатда. – Пойтахтлик профессорлар ҳолатим билан обдон танишишди. Касалликни фақат жарроҳлик йўли билан даволаш мумкинлигини айтишди. Тўғриси, мен бу ноёб операция ҳақида илгарилари ҳам эшитган эдим, лекин маблағимиз етмаганлиги сабаб операция қилдирилмагандик. Турмуш ўртоғим "электросет"да ишлайдилар, 2 нафар фарзандимиз бор. Рўзгордан, болаларнинг эҳтиёжидан орттирилмадик. Шунинг учун қанчалик қийналсам-да, қўлтиқтаёққа суяниб қолганман. Қўлтиқтаёқда юриш ҳам майли, юрганамда иккала оёғим ҳам зирқираб оғрийдик, кўз ёшларимни ҳатто яқинларимга ҳам кўрсатолмасдим.

Тошкентдан келган профессор Муроджон Ирисметов биздай ижтимоий ҳимояга муҳтож аёлларга юртбошимиз томонидан жуда кенг имкониятлар яратилгани, мен учун керакли тиббий амалиёт бепул ўтказилишини айтганларида ўзим, фарзандларим, айниқса, кекса ота-онам, барчамиз қувончдан йиғладик. Менга мустақил юриш бахтини улашиш учун хо-

надонимга ташриф буюрган соғлиқни сақлаш ходимларини туни билан дуо қилиб чиқдик.

Бугун шифохонага жойлаштиришди. Амалиёт учун керакли тайёргарликларни кўришяпти. Саноқли дақиқалардан кейин операция столида бўламан, жудаям ҳаяжондаман, ахир ўн йиллик орзуларим ушалапти, юртимиз шифокорлари дардимга дармон бўлаётганидан миннатдорман, иложи бўлса ташаккурларимни Президентимизга етказиб қўйинглар...

Наманган шаҳридаги Янги ҳаёт маҳалласи, Заркент кўчасидаги 12-уйда яшовчи Ёқутхон Абдуллахонованинг ҳам қувончи чексиз. 2020 йил 1 апрель куни бахтсиз тасодиф туфайли йиқилиб тушган, унинг оқибатида сон суяги синиб, битмаган. Мана ўн ойдирки тўшакка михланиб қолган эди.

– Кеча уйимизга бир гуруҳ шифокорларнинг кириб келиши мени жудаям ҳаяжонлантирди. Улар ҳол-аҳволимни сўраб,

тиб олиш кераклигини айтишди, пулимиз йўқлиги сабабли операция қилдирилмадик. Ўғлимнинг ҳам қўли калталиқ қилди. Ушандан буён сиқиламан, тушкун аҳволдаман. Чунки 14 йилдан буён "Аснам Текстил"да фаррош бўлиб ишлаётгандим. Ёлғиз ўзим 2 нафар фарзандимни вояга етказгандим. Эндигина пенсия ёшига етай деганимда, йиқилиб тушиб, тўшакка ётиб қолдим. Илтижоларим Аллоҳга етиб борди, врачлар мени бепул операция қилишларини айтишганларида ҳайратландим. Ахир, қимматбахо операция-я!



зандларим бағрига ўз оёқларим билан эсон-омон чиқиб бораман.

Дарҳақиқат, инсон ҳаёти учун муҳим аҳамиятга эга бўлган чаноқ сон бўғими шикастлари ва касалликлари билан оғриганларнинг оператив даволашнинг ягона усули — шикастланган жойни сунъий бўғимга алмаштириш. "Темир дафтар"га киритилган беморлар Дилбар Қодирова ва Ёқутхон Абдуллахонованинг ҳаёт сифатини яхшилаш ва соғлом ҳаётга қайтариш юқори технологик операцияни талаб қиларди.

"Бор меҳримиз шу Ватан, шу ҳалқ учун!" шиори остидаги саломатлик акцияси доирасида Республика шoshiлинч тиббий ёрдам илмий маркази Наманган филиали травматология бўлимида пойтахтлик мутахассислар маҳаллий шифокорлар билан биргаликда Д. Қодировада "Коксаартроз, чап чаноқ сон бўғимини тотал эндопротезлаш", Ё. Абдуллахановада эса "Унг сон суяги бўйнидан синишидан кейинги сохта бўғими" ноёб амалиётини ўтказишди.

Республика ихтисослаштирилган травматология илмий-амалий тиббиёт маркази директори Муроджон Ирисметов, марказнинг бўлим раҳбари Азиз Алимоева РШТЎИМ Наманган филиали травматология бўлими мудури Неъматжон Юсупов, травматологлар Шохруҳ Қобулов, Акмалхон Мамадалиев ҳамроҳлик қилишди. Ҳар икки бемордаги мураккаб жарроҳлик амалиётлари муваффақиятли бажарилди.



оёқларимни кўздан кечиришди. Тўғриси, ўтган йили ёмғирда сирпаниб кетиб, йиқилиб тушганимда, шифохонада даволангандим. Кейин шифокорлар хориждан сунъий бўғим со-

Президентимизнинг ёлғиз, эҳтиёжманд, ижтимоий кўмакка муҳтож аёлларни қўллаб-қувватлаётгани ҳақида телевизорда эшитиб, юрагим энтикканди. Лекин ўзим ҳам ана шу меҳру

НАМАНГАНЛИКЛАР КЕНГ ИМКОНИЯТ ВА ШАРОИТЛАРДАН МАМНУН

Аввал хабар қилганимиздек, айни кунларда Соғлиқни сақлаш вазирлиги ташаббуси билан Наманган вилоятида "Бор меҳримиз шу Ватан, шу ҳалқ учун!" шиори остида саломатлик акцияси ўтмоқда.



Акция доирасида Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт маркази Наманган филиалига Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчисининг биринчи ўринбосари Лазиз Туйчиев ташриф буюриб, марказ фаолияти билан яқиндан танишди. Бу ерда шу куннинг ўзида пойтахтлик шифокорлар иштирокида юрак қон-томир соҳасида мураккаб жарроҳлик амалиётлари ўтказилди. Шунингдек, кун давомида "Темир дафтар"га киритилган, шароити оғир, юрак касаллигига чалинган юзлаб беморлар жарроҳлик амалиёти ва даволашга тайёрлаш юзасидан чуқурлаштирилган тек-



ширивдан ўтказилиб, уларнинг аксариятига шифохоналарда даволашиш учун йўлланмалар берилди.

Бу каби тадбирлар Наманган вилояти бўйлаб бошқа туманларда ҳам давом этмоқда.



ОПЕРАЦИЯ УЧУН ТЎПЛАБ ЮРГАН ПЕНСИЯ ПУЛЛАРИМИЗ ЁНИМИЗГА ҚОЛДИ



– Бунга “Бор меҳримиз шу Ватан, шу халқ учун” шиори остида ўтказилаётган саломатлик акцияси қатнашчилари – пойтахтдан келиб маҳаллаларда уйма-уй кириб, беморлардан хабар олаётган, юқори малакали врачлар сабабчи бўлишди - деди етмиш ёшли Фазлиддин ота УМАРОВ.. Қувонгандан ўзини кўярга жой тополмай қолган отахон яна қуйидагиларни таъкидлади:

–Тўрт йил аввал ўнг кўзим хира тортганида операция тугайли кўриши тикланганди. Энди эса чап кўзимни парда босди. Китобу газета -журналларни ўқишга қийналиб қолдим. Юрагим сиқилиб, кўчага чиқсам, йўللари кесиб

ўтишда беҳад қийнала бошладим. Ахир бир тарафдаги кўзим кўрмаганидан кейин ёнимга назар ташлаш учун бошимни ёки қаддимни ўша томонга буришимга тўғри келарди. Ўзимни хавфга қўймай деб операция қилдирай десам, бир неча миллион сўм керак эди. Кампирим иккимизнинг пенсиямизни ойма-ой тўплаб турган эдик. Баҳорда операцияни мўлжаллаб тургандим. Буни қарангга, кутилмаганда бир гуруҳ дўхтирлар хонадонимиз остонасини ҳатлаб киришди. Кимсан, республика пойтахтидаги таниқли кўз микрохирурги Азамат Фарҳадович ўзлари ташриф буюрибдилар. Кўришдик, суҳбатлашдик. “Сиз эртагаёқ Муҳаммаджон Қажумовнинг Наманган шаҳридаги



“Doktor Vision” хусусий кўз клиникасига борасиз. Таҳлиллар топширасиз, ўзим операция ўтказаман. Ҳамма хизматлар бепул, ўқтингизми?” десалар бўладими. Ҳатто қулоқларимга ишонмай қолдим. Шундай олийҳиммат инсонларнинг мўъжизабашх хизматларидан беминнат фойдаланишимизга шароит, имкониятлар яратиб бераётган Соғлиқни сақлаш вазирлигига, биздек қарияларга юксак эътибор кўрсатаётган Президентимизга мингданминг раҳматлар айтсак ҳам кам!

Халқимизнинг тиббий хизматдан ризолигига эришиш аслида осон эмас. Лекин мутахассислар биргаллашиб ҳаракат қилиши билан бунинг уддасидан чиқиш мумкинлиги хайрли акция давомида аққол намоён бўлмоқда. Биргина кўз касалликларидан озор чекаётган ўнлаб, юзлаб беморларни йўқлаб, маҳаллама-маҳалла излаб, топиб,



текшириб, диагностика муассасаларига йўллаб, ташхисни бепул амалга ошириб, зарур бўлса ётқизиб даволаш, ҳатто жарроҳлик амалиётини ҳеч қандай тўловларсиз ўтказиб бериш билан кўпдан - кўп олқишлар олинаётгани ҳаётий ҳақиқат.

Келинг, яхшиси яна беморларнинг сўзларига қулоқ тутаюлик.

– Кўзимда парда бор эди, дейди клиникага ётқизилган Наманган туманидаги Гулдинов маҳалласида яшовчи қария Худойберди ота Жўраев. – Аввалги кўзи тошкентлик дўхтир хонадонимизга кириб келдилар. “Ҳеч ташвишланманг, оғриқсиз операция ўтказамиз, бутун оламни яна кўзингизга чароғонлаштириб юборамиз!” дея кўнглимни тоғдек кўтардилар. Бу

Президентимиз даъватлари билан наманганлик дардмандларга нажот бағишлаётган меҳридарё шифокорларимиз ҳаммаша эл олқишига муносиб бўлаверсинлар!

гун сеҳрли кўлларнинг шарофатидан кўзларим тиниқ кўриб кетса, ажаб эмас! Энг муҳими, биздан ҳеч қандай сарф-ҳаражат талаб этилмасакан, барчаси давлат ҳисобидан экан. Қандай яхши-я, шундай инсонпарвар юрда яшаётганимиздан ҳар қанча фахрлансак арзийди.

Наманган шаҳридаги Янгийўл маҳалласида истиқомат қилувчи Дилоромхон Жўраевнинг хурсандликларини айтмайсизми.

– Уттиз йил болаларга таълим-тарбия берганман, дейди онахон. – Кейинги икки йилда кўзларимдан нур кетди. Кўриш қобилиятим йўқола борди. Операция қилдириш учун кўлим калталик қилаётганди. Бахтимга шу акция ўтказилиб қолди. Бепул кўрикка йўллашди. Ҳозир имтиёзли равишда операция қилишга тайёргарлик кўришяпти. “Худо хоҳласа, катаракта асоратидан қутулсамиз” дея таскин беришиб, кўнглимга умид чироғини ёқибди. Эшитишимча, Тошкентдан келган дўхтир юзлаб беморларга қайта кўриш бахтини қайтарган эканлар. Мен ҳам ўшаларнинг яна биттаси бўлишимга қатъий ишонаман.

ҚЎЛИ ЕНГИЛ ШИФОКОРЛАР ШАРОФАТИ БИЛАН ФАРЗАНДИМИНИНГ ОРЗУ ҲАВАСИНИ КЎРАДИГАН БЎЛДИМ...

Сарвихон Қурбонова 65 ёшда. Поп туманининг Исковут қишлоғида яшайди. Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази Наманган филиалида касаллиги тугайли тез-тез даволаниб турарди. Соғлиқни сақлаш вазирлигининг ташаббуси билан “Бор меҳримиз шу Ватан, шу халқ учун” шиори остида ўтказилаётган саломатлик акцияси доирасида пойтахтлик шифокорларнинг вилоятга ташрифи унинг учун жуда катта умид эшикларини очди. Марказнинг етук мутахассислари унинг хонадонига кириб келганда, нақадар ўзини бахтиёр ҳис этди. Ахир тошкентлик мутахассислар кўригига боришга орзуманд эди-да.

Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази маммология бўлими раҳбари тиббиёт фанлари доктори Лола Алимходжаева керакли маслаҳат ва тавсияларини берди. Марказнинг вилоят филиалида чуқурлаштирилган тиббий диагностика текширувлардан сўнг унга жарроҳлик амалиётини ўтказиш мумкинлиги билдирилди. Онахонда шу ернинг ўзида пойтахтлик мутахассислар маҳаллий шифокор-

лар билан ҳамкорликда мураккаб жарроҳлик амалиётини ўтказишди. Операцияга эндигина тўрт кун ўтган бўлган бўлса-да, унинг аҳволи анча яхшиланиб, ўзини-ўзи уддалаяпти. Ҳатто, четдан қараган киши онахонни жарроҳлик столдан турганига ҳам ишониши қийин.

– Тошкентлик шифокорлар ҳолатимни кўришиб, операция йўли билан мени касалликдан фориғ қилишларини айтганларида, тўғриси беҳад суюниб кетдим. Саломатлигимни тиклаш учун жон куйдираётган шифокорлардан мамнун бўлиб, операция столига кўнглим хотиржам ҳолда ётдим. Мана бугун тўртинчи кун, аҳволим дуруст, оғриқлар деярли камай-



ди. Иштаҳам яхши, кайфиятим аъло. Биз хотин-қизлар саломатлиги учун жон куйдириб, ма-

лакали шифокорларни вилоятимизга юборган Президентимизга мингдан-минг раҳмат-

лар айтаюмиз. М. Қосимова ҳам марказнинг вилоят филиалида бачадон бўйни саратони ташхиси билан даволанаётган экан.

– Пойтахтлик олим-шифокорларнинг келганидан мамнунман. Улар мени керакли текширувлардан ўтказишиб, операцияни лозим топишди. Қарангки, ҳеч қандай сарф-ҳаражасиз, барча маблағлар давлат томо-

нидан қопланапти, Мендек ёлғиз аёл учун бу жуда катта ёрдам. Албатта, 1 нафар фарзандим ва ота-онамнинг ёнига дарддан фориғ бўлиб бориш имконияти туғилганидан беҳад хурсандман. Қўли енгил шифокорлар шарофати билан фарзандимнинг орзу ҳавасларини кўриб, яхши кунларида ёнида бўлишга умидворман. Барча-барча тошкентлик ва наманганлик маҳоратли врачларимиздан миннатдорман, – дейди мамнуният билан нажотталаб аёл.

Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази Наманган филиалида пойтахтлик врачлар билан биргаликда М. Қосимовада мураккаб жарроҳлик амалиёти ўтказилди. Тўрт соатдан ортиқ вақт давом этган операцияда марказ мутахассислари, тиббиёт фанлари номзодлари Ш. Хатамов ва О. Аҳмедов наманганлик ҳамкасблари билан биргаликда зиммаларидаги вазифани масъулият билан бажардилар.

Мазкур тиббиёт муассасаси директори А. Эшоновнинг маълум қилишича, “Бор меҳримиз шу Ватан, шу халқ учун” шиори остида ўтказилаётган саломатлик акцияси доирасида 6 нафар аёлда юқори технологик мураккаб амалиётлари ўтказилди. Яна 12 нафар бемор аёллар ноёб турдаги операциялар учун ҳозирланишмоқда.

□ Бор меҳримиз шу Ватан, шу халқ учун!

“ДУНЁДАГИ ЭНГ КАТТА БОЙЛИК – ИНСОН САЛОМАТЛИГИ ЭКАН..”

Наманган шаҳридаги Шарқ тонги маҳалласи, Тошкент кўчасидаги 5-уйда ўта ночор ва ўзгалар қаровига муҳтож инсонлар яшайди. 92 ёшли Марҳабат ая икки қизи билан торгина ҳовлида истиқомат қилади. Кексалик боис онахоннинг саломатлиги ёмонлашиб, кўзлари кўрмай қолган. Катта қизи 71 ёшли Саломатхон ая эса неврологик хасталик туфайли тўшакка михланиб ётибди.

Хайриятки, кенжа фарзанд Кароматхон ая уларнинг қорига яраб турибди. Бироқ кейинги пайтларда яқинлари парвариши билан шуғулланаётган инсоннинг соғлиғида ҳам айрим муаммолар юзага келаётганди. Яъни, унинг қадди тобора букилиб бораётган эди. Ташвиш устига ташвиш ортаётганди. Мазкур оила аъзолари учун қутилмаган воқеа юз берди.



есирларга кўрсатилаётган алоҳида ғамхўрликлар, хайру саховат ишлари кўлами ортиб бормоқда. Тиббиёт соҳаси фидоийларининг бу борадаги саъй-ҳаракатлари ҳам таҳсинга лойиқ, – дейди Машҳура Тошхўжаева.

Хар куни вилоятдаги юзлаб кам таъминланган, “Темир дафтар” рўйхатида киритилган инсонлар яшайдиган оилаларга республикамизнинг етакчи

тиббиёт марказларидан келган юз эллик нафардан зиёд раҳбар ва олимлардан иборат шифокорлар гуруҳи ташриф буюриб, ҳастахолларнинг саломатлигини мукаммал кўриқдан ўтказдилар. Сурункали ва оғир дардга чалинган беморларни туманлардаги, вилоят ва пойтахтдаги тиббиёт марказларида касалликдан халос этиш тадбирлари кўрилмоқда.

Беморларни вилоятдаги ва пойтахтимиздаги тиббиёт марказларида дарддан халос этиш чоралари кўрилмоқда. Халқ бахту саодати йўлидаги бу эзгу амаллар юртдошларимизни беҳад мамнун этмоқда.

Вилоятда қизгин тус олган “Бор меҳримиз шу Ватан, шу халқ учун!” шиори остидаги саломатлик акцияси доирасида хонадонма-хонадон ташриф буюраётган таниқли шифокорлар гуруҳи аъзолари эҳтиёжманд оила ҳузурида бўлди. Пойтахтимиздан ташриф буюрган қутилмаган меҳмонлар уч онахоннинг саломатлигини кўздан кечиришди. Совға-саломлар туҳфа этилди. **Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчисининг биринчи ўринбосари Лазиз Тўйчиев** Соғлиқни сақлаш вазирлиги масъуллари иштирокидаги самимий суҳбат чоғида қарияларга меҳр кўрсатиш масалаларига эътиборни қаратди. Энг асосийси нурунийлар саломатлигини мустаҳкамлаш, хонадон саронжом-саришталиги ва уйларни таъмирлаш юза-

сидан амалий ишлар қилинадиган бўлди.

– Дунёдаги энг катта бойлик инсон саломатлиги экан. Соғлом ҳаёт қадри нақадар беқиёслигини чуқур ҳис этялмиз. Бизнинг ҳолимиздан хабар олиш учун қадам ранжида қилган саломатлик посбонларига чин дилдан ташаккур билдирамиз. Эл бахту саодати йўлида ғамхўрлик кўрсатаётган давлатимизга минг раҳмат, – дейди етмишинчи баҳорни қарши олаётган Кароматхон ая Исоқова.

Ишчи гуруҳ аъзолари ва бир гуруҳ шифокорлар шу кўчадаги 13-уйга ҳам киришди. Бу ерда юрак туғма нуқсонидан азият чекаётган Муаттар Муқимованинг саломатлиги ҳолати ўрганилди. Онаси Муқаддас Орифжонова иштирокида қизни соғломлаштириш юзасидан фикрлашилди. Юқори технологик қурилмалар воситасида беморни чуқурлаштирилган тиб-

бий кўриқдан ўтказиш ва текширув якунларига қараб даволаш чораларини белгилаш басида тавсиялар берилди.

– Қизимнинг соғлиғидан қайғуриб хонадонимизга таниқли докторлар келиши етти ухлаб тушимга ҳам кирмаганди. Эл дардига дармон бўлаётган, сурункали касалликка чалинганларни оёққа турғизиш учун маҳалла кезаётган олиҳиммат, меҳридарё шифокорлар олдида таъзимдаман, – дейди М. Орифжонова.

Маҳаллабай кесимидаги фаолият давомида шаҳарнинг олис Бунёдкор маҳалласидаги Машҳура Тошхўжаева хонадонига ҳам борилди. Хонадонда вояга етаётган етим фарзандларнинг соғлиғи назоратдан ўтказилди. Уларда аниқланган касалликларни барвақт даволаш бўйича тегишли топшириқлар берилди.

– Элпарвармамлакатимизда бева-бечора кишилар, етим-

УЧҚЎРҒОНДА НОЁБ МУРАККАБ ЖАРРОҲЛИК АМАЛИЁТИ ЎТКАЗИЛДИ

Акция доирасида Андижон давлат тиббиёт институти ректори Мадаминжон Мадазимов бошчилигидаги 15 нафар профессор ва доцентлар ҳам Наманган аҳолиси саломатлигини мустаҳкамлаш учун камарбаста бўляпти. Улар Учқўрғон, Норин туманларидаги хонадонларга кириб, аҳолининг эҳтиёжманд тоифаларига зарур тиббий ёрдамларни кўрсатишди.

Соғлиғида муаммоси бор фуқаролар саралаб олинапти. Пировардида эса вилоят марказида эмас, балки туман шароитида травматологик, гинекологик, урологик ҳамда пластик-реконструктив операциялар ўтказишмоқда. Учқўрғон тумани тиббиёт бирлашмасига қарашли шошилинч тиббий ёрдам бўлимида “Темир дафтар”да турган, кам таъмин-

ланган, эҳтиёжмандларда қатор юқори технологик операциялар муваффақиятли бажарилганлиги таҳсинга сазовор.

Султонхон Шодиева 61 ёшда, тўрт нафар фарзанднинг онаси, кўплаб набираларнинг бувиси. У қорин соҳасидаги қаттиқ оғриқ туфайли шифохонага келтирилганди. АДТИ ректори М. Мадазимов ва малакали жарроҳ Б. Темировлар беморни жарроҳ-

лик йўли билан дарддан бутунлай халос этишди. Ноёб турдаги мураккаб амалиёт — қорин чурраси тўрт соатдан ортиқ вақт мобайнида бартараф этилди. Бугун унинг кўзларида табассум зоҳир.

– Қўли энгил жарроҳларнинг юксак маҳорати боис дардим ортда қолди. Ҳозир аҳволим яхши. Ҳеч қандай маблағсиз, хайрли тadbир шарофати билан соғлигим тикланди. Беқиёс ғамхўрлик учун элпарвар юртбошимизга раҳматлар айтамин, – дейди С. Шодиева

Бугина эмас, олим шифокорлар Нилуфар Раҳимжоновани “Қорин ўнг қўл кафти, иккала сон ва иккала бўғим соҳасининг чандиқли деформацияси”, Каромат Зокировада “Бўйин ва ўнг елка бўғимининг чандиқли тортилиши”, Муяссар Икромжоновани “Холецистоэктомиа”, Достонбек Режабовда “Чап томонлама герниотомия, Жирар Кимбаровский бўйича пластика” каби ноёб турдаги жарроҳлик амалиётларини муваффақиятли бажаришиб, уларнинг нажоткор-халоскорларига айланишди.

– Энди вилоят марказига бо-



ришга ҳам ҳожати қолмагандан суюндик, – деди **Мадина Хайдарова**. — Онамнинг саломатлиги ортиқча оворагарчиликсиз яхшиланаяпти. Хонадонимизга шодлик улашаётган, яқинларимиз соғлигини тиклаётганлардан беҳад миннатдоримиз.

– Халқимизнинг фаровон турмуши, бахтли ҳаёти учун доимо хизмат қилишдан чарчамаймиз, – дейди ректор М. Мадазимов. – Соғлиқни сақлаш вазирлигининг “Бор меҳримиз шу Ватан, шу халқ учун!” шиори остида ўтказилаётган саломатлик акцияси бизни одамлар билан янада

яқинлаштирди. Шу кунгача мутахассисларимиз қўлларидан керакли тиббий ускуналари билан 2000 дан зиёд хонадонларга кириб, керакли маслаҳат ва тавсияларни бердилар. Зарурий тиббий ёрдамлар кўрсатишди. Улар орасидан юқори технологик операцияларга муҳтожларни топиб, “Темир дафтар” рўйхатидаги 12 нафар эҳтиёжманд одамда ноёб турдаги жарроҳлик амалиётларини ўтказдик. Яқин кунларда яна 8 нафар бемор мураккаб операцияга тайёрланаяпти.



ЮРАГИНГИЗНИ АСРАНГ!!! У ҚАЛҚИБ ТУРГАН ТОМЧИДЕК НОЗИК ВА МУРАККАБ

Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий маркази Наманган филиалига ётган беморлар даставвал шифокорлардан шу сўзларни эшитишади, нафақат эшитишади, балки муолажа ва жарроҳлик амалиётларидан сўнг ишончли кафолатни ҳис этишади, яшашга умидлари мустаҳкамланади, ҳаётга муҳаббатлари янада ортади. Инчунин, бу ерда ўз соҳалари бўйича чуқур билимга, мукамал малакага эга мутахассислар жамулжам бўлишгани боис рентгенэндоваскулялар ва юрак қон-томир жарроҳлиги бўлимига келтирилганлар ҳамisha нажот топишади.

“Бор меҳримиз шу Ватан, шу халқ учун!” шiori остида ўтказилаётган акция чоғида кардиохирургларнинг фаоллиги ҳар қачонгидан ҳам кучайиб кетди. Чунки, уларнинг ёнларига пойтахтдаги устозларни, ҳамкасблари келиб қўшилишди. Тиббий кўрикнинг маҳаллаларга кўчирилиши, беморларнинг хонадонма-хонадон йўқланиши халқ учун айна мўддао эди.

– Ҳар куни 10-15 та маҳаллага кириб ўртача 200-300 хонадондаги 1000га яқин кишиларнинг ҳолидан хабар оламиз, – дейди филиал директори, тиббиёт фанлари номзоди Солижон Мўминов. – Шифокорларимиз ЭХО, ЭКГ ва МСКТ текширувларини олиб боришяпти. Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт маркази, Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт маркази ва Республика шошилич тиббий ёрдам илмий марказидаги мутахассислар билан биргаликда “Те-

мир дафтар”даги камбағал қатлам тоифасига кирганлар танлаб олинмоқда, зудлик билан имтиёзли равишда бепул жарроҳлик амалиётлари ташкилланганди. Ҳар куни юрак ҳасталигидан озор чекаётган ўндан зиёд беморга яшаш умидини қайтараётганимиздан кўнглимизга мунавварлик югурмоқда.

Аслида бу – мўъжиза. Ахир қачондир юраги уришдан тўхтаб қолишдан қўриқиб, жонини ҳовучлаб умр кечириётганларни оғриқдан, ўлим хавфидан фориғ этиш шунчаки иш эмас. Бундай ҳайратона хирургик амалиётларнинг мураккаблари ҳозиргача фақат Тошкентда ўтказиларди. Сўнгги уч-тўрт йил ичида Наманганда бу борада дадил қадамлар ташланмоқда. Албатта, пойтахтдаги устозларнинг фаол кўмаги, бошқош туришлари билан қутилган натижаларга эришилмоқда.

Акция доирасида рентгенэндоваскулялар хирургия бўлимида Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий

тиббиёт маркази бўлим мудир, профессор Миржамол Зуфаров раҳбарлигида 8 нафар беморда стэндлаш амалиёти бажарилди. Яъни торайган, ҳатто бекилган юрак томирлари “девор”лари кенгайтирилиб, қоннинг равон оқиши таъминланди. 2 нафар беморнинг тож томирида коронар шунтлашга тараддуд кўрилмоқда.

– Олтимиш ёшдан ўтганимда юрагим панд бера бошлади, – дейди Косонсой туманининг Испархон маҳалласидан келган бемор Марҳабо Юсуфхўжаева. – Патронаж ҳамширамиз пойтахтдаги таниқли олим-врачлар давлат ҳисобидан операция ўтказишаётганидан бохабар қилиши билан уларга учирадим. Бир йўла 3 та стэнд қўйишди. Миржамол акадан, у кишининг ёнида турган Акмалжон укамдан ўткир миокард-инфаркт арафасида ҳаётимни хавфдан сақлаб қолишгани учун бир умрга миннатдорман.

– Далада узоқ йиллар трактор бошқарганман, не кўргulik эканки, икки-уч йилдан буён юрак ҳасталигидан азоб чекардим, операция учун зарур маблағни тўплай олмай армонда эдим, – дейди Норин тумани Тошлоқ маҳалласидан келган Улуғбек Толипов. – Ниҳоят омадим кулди. Айтишларича юрагимни чап тож томири тармоғида ангиопластика ва стэндлаш амалиётини ўтказишиб-

ди. Энг қувонарлиси, бу операция жароҳатсиз экан. Худога минг қатла шуқур, оилам бағрига саломатлигимни мустаҳкамлаб қайтиш имконияти туғилди. Биздек беморларга имтиёзли операцияларни ташкиллаганларни, айниқса, халқига беҳад меҳрибон Юртбошимизни оиламиз билан кеча-юкундуз дуо қилиб яшаймиз энди.

Шу куни “Темир дафтар”даги яна бир неча беморда юрак қон-томирини стэндлаш муваффақиятли удаланди. Айна дамда Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт маркази директори Хуршид Фозилов ҳам мутахассислари фаолиятини кузатиб, ҳатто энг нозик ва мураккабларини ўзи бажариб кўрсатиб, қимматли маслаҳатларини бериб боргани эса, интервенцион кардиохирургларнинг операция чоғидаги масъулиятини янада ошириб турди. Филиал меҳмонлари Республика шошилич тиббий ёрдам илмий маркази мутахассислари Сардор Турсунов ва Шаҳзод Асқаровлар ҳам бўлим мудир Шухрат Салоҳид-



динов етакчилигида юқоридаги каби операцияларни бажаришда фаол қатнашишмоқда.

Шунингдек, юрак қон-томир жарроҳлиги бўлимида пойтахтдан ташриф буюрган республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт маркази коронар касалликлар бўлими мудир тиббиёт фанлари доктори, профессор Абдор Мансуров, филиалдаги ҳамкасблари Азимжон Ҳикматов ва Абдусалом Хўжамбердиевлар билан биргаликда бемор Фани Раималиева сунъий қон айланиш ва кардиоплегия шароитида митрал ва аортал клапанни протезлаш амалиётини ўтказди.

БИРЛАМЧИ ТИББИЁТ МУАССАСАЛАРИГА ЗАМОНАВИЙ ТИББИЙ ТЕХНИКАЛАР КЕЛТИРИЛДИ



Акция доирасида ҳудудий тиббиёт муассасаларини замонавий тиббиёт технологиялари билан таъминлаш ҳам кўзда тутилган бўлиб, Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан вилоятнинг ўнлаб тиббиёт муассасаларига замонавий диагностика тиббий жиҳозлари етказиб берилди. Ушбу тиббиёт қарвони 62 дона электрокардиограф, 30 дона ультратовуш текшируви аппарати ва кардиомонитор каби қурилмаларни ўз ичига олади. Наманган вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси бош мутахассиси Ойбек Турдиматовнинг қайд этишича, бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасаларини ривожлантириш

лойиҳаси бўйича хориждан олиб келинган ушбу асбоб-ускуналар қишлоқлардаги 62 та оилавий поликлиникаларга тақсимланган. Тадбир доирасида ушбу тиббий асбоб-ускуналарнинг дастлабки тўплами Янгиқўрғон ва Чуст туманларидаги бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасаларига жўнатилди.

Жумладан, вилоят марказидан анча олисдаги Исковот қишлоғидаги оилавий поликлиника ходимларига қурилмалардан фойдаланиш ни ўргатиш ишлари бошлаб юборилди. Эртадан улар ёрдамида қишлоқ аҳли саломатлигини текшириш жараёнлари бошланади.

Андижон вилояти
Соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи қишлоқларда сайёр қабуллар ўтказди, шунингдек, аҳоли бепул чуқурлаштирилган тиббий кўриқлардан ўтказилди.
Наманган вилояти
Болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази ва Тошкент давлат стоматология институтини шифокорлари билан ҳамкорликда жарроҳлик амалиёти ўтказилди.
Сирдарё вилояти
Вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказида, марказ ходимлари томонидан ҳар ҳафтанинг шанба ва якшанба кунларида “Соғлом ҳаёт учун 5000 қадам” шiori остида спорт ва соғломлаштириш тадбирларини ўтказиш анъана тусини олди.

МИННАТДОР КЎЗЛАРДА ҚАЛҚИР ҚУВОНЧ ЁШ

ВИЛОЯТ БОЛАЛАР КЎП ТАРМОҚЛИ ТИББИЁТ МАРКАЗИНИНГ УРОЛОГИЯ ВА ЎСМИРЛАР ГИНЕКОЛОГИЯСИ БЎЛИМИДА 12 НАФАР КИЧКИНТОЙЛАРГА ПОЙТАХТЛИК ЖАРРОҲЛАР НАЖОТ БАҒИШЛАШДИ

– Наманганнинг бу шифо маскани жамоаси билан кейинги пайтда мустаҳкам ҳамкорлик ўрнатганмиз, – деди Тошкент педиатрия илмий-амалий тиббиёт болалар маркази 1-хирургия бўлими бошлиғи, тиббиёт фанлари номзоди Хуршид Сатторов. – Бу галги 4-ташрифимиз “Бор меҳримиз шу Ватан, шу халқ учун!” акциясига тўғри келди. Беҳад хайрли ва савобли ишга ҳисса қўшаётганимиздан жуда мамнунмиз. Сафдошим Қуддус Абдуллаев, Тошкент педиатрия тиббиёт институти доценти Хуснидин Ҳотамовлар биргаликда кун давомида фаол амалиёт билан машғул бўлдик. Аслини олганда Наманганда болалар урологик жарроҳлиги пойтахтдагидек ривож топган. Дўстимиз, тиббиёт фанлари доктори Ёдгормирза Нурматов бой тажриба соҳиб. Шу боис ҳамisha ёнма-ён ишлаб, деярли кутилган натижаларга эришиб келяпмиз. Бугун эса мураккаб реконструктив пластик операциялардан бир нечасини удаладик.

Биз жарроҳларнинг ҳар бир бемор операциясини ярим соатдан бир соатгача, ҳатто ундан зиёдроқ вақт ичида сифатли амалга оширишгани шоҳиди бўлдик. Ахир, врачларнинг юзларидаги ёқимли табас-



сум, ота-оналарнинг кўзларида халқаланган севинч ёшлари бежиз эмас эди-да.

– *Етти ойлик Исломжоним ўнг буйрак тарафи шишиб, яхши ёзилмасдан қийналарди, инграб йиғларди,* – дейди Мингбулоқ туманининг Мустақиллик маҳалласида яшовчи Мухайё Абдуназарова. – Омадимиз бор экан, пойтахтлик уролог-жарроҳлар боламнинг жонига ором бағишлашди. Ўттиз дақиқада пластик операциядан чиқди. Кўнглим ўрнига тушди. Она учун чақалоғининг соғайишини кўришдан ортик бахт қаерда?! Илоҳим, халқига меҳрибон Юртбошимиз омон бўлсинлар! Оқ халатли нажоткорларнинг моҳир ва мўъжизакор қўлларига асло кўз тегмасин!

Худди шундай олқишларни поплик 5 ёшли Оллоҳёрнинг онаси Мафзузахон ҳамда қосонсойлик 2 ёшли Озоджоннинг онаси Дилафрўзхон каби ўн

чоғли аёллардан ҳам эшитишди юқори малакали, олиҳиммат жарроҳлар. Чунки улар тери орқали пункцион нефростомия операцияларини ўтказишди. Болаларнинг туғма ривожланиш нуқсонларини бартараф этишди. Пиелопластика, уретропластика амалиётлари туфайли кичик беморлар сийдик йўли дардларидан фориғланишди, саломатликлари тикланди.

Демак, Наманганда соғлом авлод вакиллари сафи яна бир нечага кўпайди. Лекин, шу билан бу эзгу ҳаракат тўхтатиб қўйилмайди. Олис-олис қишлоқ ва маҳаллаларда тиббий кўриқларда ҳасталиги аниқланган бирорта бола меҳр ва эътибордан сира-сира четда қолмайди. Бундан буён Президентимиз топшириқларига биноан шифокорлар ҳам маҳаллабай ишлаш тамойилига қатъий амал қилиб боришади.



Наманган вилояти

✓ Бор меҳримиз шу Ватан, шу халқ учун

“ЖИГАРИНГ ДАРД ЧЕККАНДА БУЙРАГИНГНИ БЕРИШГА ТАЙЁР ТУРАРКАНСАН...”

САЛОМАТЛИК АКЦИЯСИ ДОИРАСИДА УЧ НАФАР БЕМОРДА БУЙРАК ТРАНСПЛАНТАЦИЯСИ АМАЛГА ОШИРИЛМОҚДА

Уч йилдан бери буйрак етишмовчилигидан азият чекиб, бир йилдан бери гемодиализ муолажасини қабул қилиб юрган Мастура Файзиева дардига даво излаб бормаган жойи қолмади. Унинг олдида икки йўл турарди: умрининг охиригача гемодиализ муолажасини қабул қилиш ёки буйрак трансплантациясини амалга ошириш. Бу икки чорани кўриш ҳам икки нафар фарзанднинг онаси учун моддий томондан қийинчиликлар туғдирарди.



Унга буйрак трансплантацияси жарроҳлик амалиётини фақат чет элда амалга ошириш мумкинлигини айтишганди. Фарзандларининг бахту камолини кўриш, уларнинг бошида паноҳ бўлишни истаган она яшаб турган уйини сотишга қарор қилганди. Шундай кунларнинг бирида “Бор меҳримиз шу Ватан, шу халқ учун!” шиори остида ўтаётган саломатлик акцияси доирасида Наманган вилоятида бўлиб турган пойтахтлик шифокорлар маҳаллий ҳамкасблари билан биргаликда унинг ҳолидан хабар олиб, уйига кириб келишди...

Мастура Файзиева жорий тиббий кўриқдан ўтмоқда.

— Мен учун буйрак кўчириб ўтказиш амалиётини Тошкент шаҳрида, ҳеч қандай тўловсиз, беминнат қилиб беришларини айтишганида ҳолатимни тасаввур қила олмайсиз, — дейди **Мастура Файзиева**. — Бу Аллоҳнинг менга берган инояти эди. Шундай оғир аҳволда турганимда шифокорлар келиб, мушкулумизни осон қилишди. “Президентимизнинг топшириғи билан сизларга ёрдам бергани келди”, дейишганида илтижоларим Яратганга етиб, ўзи дардимни олувчиларни юборганини кўнглим сездим. Унгача икки боламнинг тақдири нима бўлишини ўйлаб, хавотирда эдим. Менга буйрак кўчириб ўткази-

талиева. — Ака-опаларимиздан қай биримизники тўғри келса, буйрагимизни беришга рози эдик. Мана, келганимиздан бери шифокорлар ширин сўзларини аяшмаяпти. Ҳаммалари юзлари табассум билан палатамизга кириб келишади. Тўғриси, буларни кўриб, эрта-индин операцияга киришимиз керак, деган кўрқув ҳам ўз-ўзидан қандай йўқолганини сезмай қолдим.

Президентимизнинг аҳоли саломатлигини сақлаш борасида қабул қилган Фармон ва қарорлари ҳамда махсус топшириқлари ижросини таъминлаш мақсадида Соғлиқни сақлаш вазири ташаббуси билан “Бор меҳримиз шу Ватан, шу халқ учун!” шиори остида ўтказилаётган саломатлик акцияси авж паллага кирди.

Акция доирасида Наманган вилояти бўйлаб ёйилган тиббиёт соҳасида мамлакатнинг энг малакали мутахассислари ҳар бир туманда маҳаллабай тартибда уйма-уй юриб, тиббий ёрдамга

нинг ҳолатига, касаллик даражасига қараб, тегишли муолажаларни амалга оширишмоқда.

10 февралдан бери давом этаётган ушбу хайрли тадбир минглаб инсонларнинг ҳаётига қувонч бағишлаб келмоқда. Аввал турли сабаблар билан махсус тиббий текширувлардан ўтолмай юрган хастаҳош юртдошларимиз “темир дафтар”га киритилиб, мутлақо бепул тиббий хизмат билан таъминланмоқда. Ушбу рўйхатга кирган фуқароларга энг қисқа муддатларда муолажалар белгиланмоқда.

Тўрақўрғон туманида яшовчи 53 ёшли Валижон Исмоилов буйрак етишмовчилигидан азият чекарди. Пойтахтлик мутахассислар саломатлик акцияси доирасида унга буйрак трансплантацияси амалиётини ўтказадиган бўлди. 26 ёшли Одилжон яқинда чет элдан қайтиб келганди. Отасининг оғир аҳолини кўриб, чора излаш ортидан яна ўзга юртларга ишлаш учун кетиш ҳақида ўйларди. Пойтахтлик шифокорлар уларнинг уйига келиб, юртимизнинг ўзида буйрак трансплантацияси амалиёти улар учун беминнат ўтказиб берилишини айтишди.

— Бу хабарни эшитганимизда, бутун оиламиз билан хурсанд бўлдик, — дейди **Одилжон Исмоилов**. — Отам касаллик аниқланишидан олдин ҳайдовчилик қилар эдилар. Бизга ҳалол меҳнат билан нон-туз едирганлар. Чет элда ишлаб, оила тебратишда уларга кўмаклашардим. Аммо отамнинг аҳоли оғирлашиб бораётганини кўриб, чорасиз сезардик ўзимизни. Соғ-

отамга ўзим донорлик қилишга рози бўлдим...

Кеча буйрак кўчириб ўтказиш амалиётини муваффақиятли чиққан ота-бола Исмоиловларнинг аҳоли ҳозирда шифокорлар назорати остида.

Наманган вилоятида давом этаётган саломатлик акцияси доирасида яна бир беморда худди шундай буйрак кўчириб ўтказиш жарроҳлик амалиёти ўтказилиши режалаштирилган. Поп туманида яшовчи 17 ёшли Моҳинур ҳам шу оғир дарддан азият чекиб келаётган эди. Ҳаётнинг орзу-умидларга тўлган шундай палласида фарзандининг хасталиқдан қийналаётганини кўриш ота-она учун ўта оғир. Саломатлик акцияси доирасида Моҳинурнинг онаси Ирода опа Республика шошилич тиббий ёрдам илмий марказига ҳам она, ҳам донор сифатида олиб келинди:

— *Қизим эндигина талабаликнинг олтин даврига қадам қўйган. Унинг касаллигига жимгина қараб туриш қўлимиздан келмасди, — дейди Ирода опа.* — Бор имконимизни ишга солиб, даволатишга ҳаракат қилаётгандик. Президентимиз юборган шифокорлар жонимизга оро кирди. Кўзимга боламнинг бахтидан бошқа ҳеч нарса кўринмас эди. Унга буйрагимни беришга қарор қилдим. Бизга шунчалик ғамхўрлик қилаётган инсонларга қандай раҳмат айтишни ҳам билмайман. Қўлимиздан фақат дуо қилиш келади, холос. Давлатимиз ҳеч биримизни ёлғизлатиб қўймаганига яна бир бор ишондим...

Бу беморларнинг барчаси донорлари билан биргаликда шифокорлар назорати остида Наманган вилоятидан Республика шошилич тиббий ёрдам илмий марказига олиб келиниб, зарур текширувлардан ўтказилди. Буйрак трансплантациясидек ноёб операциялар юртимизнинг ўзида ўтказилаётгани кўплаб юртдошларимизнинг мушкулларини осон қилаётгани ҳақиқат.

“Бор меҳримиз шу Ватан, шу халқ учун!” шиори остида ўтказилаётган саломатлик акцияси соғлигида муаммоси бор юртдошларимизга шифо ва дармон, оилаларга бахт ва шодлик улашишда давом этмоқда.



шлари аниқ бўлганида, ўғлим: “Мен ҳам катта бўлсам, сизни даволайдиган одамлардай жарроҳ бўламан”, деди. Биласизми, энди болаларимнинг орзуларини кўриш учун ҳам ҳаётга умидим ошиб кетди.

Мастура Файзиевага донорлик қилувчи инсон ҳам у билан бирга. Синглиси Маъмура Йигиталиева унга бир буйрагини беришга қарор қилди. Саломатлик акцияси доирасида опа-сингил биргаликда Республика шошилич тиббий ёрдам илмий марказига олиб келинди.

— Жигаринг ёнингда дард билан олишиб турса, чидай олмас экан одам. Отамизнинг ёшлари 75 га етган бўлса ҳам чора излаб бормаган жойлари қолмади, — дейди **Маъмура Йиги-**



мухтож аҳоли қатламларига жойида малакали тиббий хизмат кўрсатишмоқда ҳамда беморлар-

лиқни сақлаш вазирлиги вакиллари келиб, бизга ҳолат юзасидан тушунтириш беришганида,

Ушбу сон материалларини Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Жамоатчилик билан алоқалар бўлими, Наманганлик ижодкорлар Абдулла Ғозиев, Содиқ Сайхун, Манзура Эргашева ва таҳририят журналисти Ибодат Соатовалар тайёрлади.

Газета
муассиси:
Ўзбекистон
Республикаси
Соғлиқни
сақлаш
вазирлиги

Бош муҳаррир
Баҳодир ЮСУПАЛИЕВ
Бош муҳаррир ўринбосари
Ибодат СОАТОВА

Газета ўзбек ва рус тилларида чоп этилади. Ҳафтанинг жума кунлари чиқади. Мақолалар кўчириб босилганда «O'zbekistonda sog'liqni saqlash – Здравоохранение Узбекистана» газетасидан олинди, деб кўрсатилиши шарт. Таҳририятга келган кўлёмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Манзилимиз: 100060, Тошкент шаҳри, Истикбол кўчаси, 30-уй, 2-қават.
Тел/факс: (0371) 233-13-22, тел.: (0371) 233-57-73. Газета Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 2009 йилнинг 11 март куни рўйхатга олинган. Гувоҳнома рақами 0015.

Газета материаллари таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Адади 962 нусха
Буюртма Г - 240

Газета «ШАРҚ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида чоп этилди. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Газета ҳажми 2 босма табоқ. Формати А3. Офсет усулида босилган.

Саҳифаловчи Намоз Толипов.

Босмаҳонага топшириш вақти – 20.00.